



Ўзбекистонда Саноат Корхоналарини Инновацион Бошқарувини Ривожлантиришнинг Муқобил Сценариялари

Бахтиёров Бобур Баходир ўғли¹

¹ ЎзМУ, “Макроиктисодиёт” кафедраси доцент вазифасини бажарувчи, PhD

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда саноат корхоналари инновацион фаолиятининг ривожланиш тенденциялари таҳлил этилган. Шунингдек, ўрта муддатли истиқболда саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишнинг муқобил сценариялари ишлаб чиқлган.

Калит сўулар: инновация, инновацион бошқарув, технологик инновациялар, маркетинг инновациялари, ташкилий инновациялар, инновацион фаолият, инновацион маҳсулот.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида амалига оширилаётган чуқур таркибий ислохотлар “... миллий иқтисодиёт таркибида саноат улушкини кўпайтириш, юқори технологияли саноат ва қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир худуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш”, шунингдек, “... инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”²га қаратилганлиги саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш заруриятини уйғотади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “... иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир”³.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланган ҳолда, бугунги кунда саноат корхоналари инновацион бошқарувини ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган стратегик дастурларини ишлаб чиқиша амалга оширилиши режалаштирилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларини аниқлаш учун мамлакатимиз саноат корхоналари инновацион бошқарувини ривожлантиришнинг муқобил сценарияларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Ушбу вазиятни инобатга олиб, мамлакатимизда инновацион фаолият билан шуғулланувчи саноат корхоналари томонидан амалиётга жорий этилаётган инновацион лойиҳаларнинг самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида инновацион лойиҳаларни амалиётга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 07.02.2017 й. <https://lex.uz/docs/3107036>

² Уша манба

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 21.09.2018 й. <https://lex.uz/ru/docs/3913188>

жорий этаётган саноат корхоналари сони билан улар томонидан ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотлар хажми ўртасидаги корреляцион-регрессион таҳлилни амалга оширган ҳолда ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқдик.

1-жадвал. Ўзбекистонда корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти тўғрисидаги маълумот⁴

Йиллар (T)	Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ҳажми, млрд сўмда (Y)	Технологик инновацияларни амалиётга жорий қилган корхоналар сони, бирликда (X_1)	Маркетинг инновацияларини амалиётга жорий қилган корхоналар сони, бирликда (X_2)	Ташкилий инновацияларни амалиётга жорий қилган корхоналар сони, бирликда (X_3)
2008 й	1325,1	268	15	21
2009 й	1660,4	140	4	7
2010 й	1849,0	145	1	3
2011 й	1348,7	185	2	9
2012 й	3635,9	164	9	14
2013 й	4614,7	725	14	22
2014 й	7043,0	819	13	20
2015 й	8023,6	894	14	27
2016 й	10688,2	893	20	20
2017 й	18543,3	975	22	26
2018 й	28871,5	982	17	25
2019 й	26811,4	1514	28	45
2020 й	31142,8	1148	37	32

Расмий статистик маълумотларга кўра, 2008-2020 йилларда мамлакатимизда технологик инновацияларни жорий қилган корхоналар сони 4,3 марта, маркетинг инновацияларини жорий қилган корхоналар сони 2,5 марта, ташкилий инновациялардан ўз амалиётида фойдаланаётган корхоналар сони 1,5 марта ортди. Шунингдек, таҳлил этилаётган даврда инновацияларни амалиётга жорий қилган корхоналар сонининг ортиб бориши билан бир қаторда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган инновацион маҳсулотлар ҳажми 1 325,1 млрд сўмдан 31 142,8 млрд сўмга етди (1-жадвалга қаранг). Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда корреляцион-регрессион таҳлилни амалга ошириш орқали прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқиши мақсадида ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажмини натижавий омил сифатида танлаб олган ҳолда, жорий этилган инновацияларнинг турлари бўйича корхоналарнинг инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ортиши бўйича прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқдик.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, корреляцион-регрессион таҳлилни амалга ошириш ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиши учун танлаб олинган натижавий ва унга таъсир кўрсатувчи омилларнинг кўрсаткичлари бир биридан ўзаро фарқ қиласди. Хусусан, натижавий омил сифатида танлаб олисан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми кўрсаткичи млрд. сўмда келтирилган бўлса, инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилган корхоналар сони кўрсаткичи бирликда келтирилган. Ушбу ҳолат амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар натижасининг ишончлилиги даражасига салбий таъсир кўрсатишими инобатга олган ҳолда логорифмик функция асосида уларни ўзаро бир хил қийматга келтириб олинди ва 2-жадвалда келтириб ўтилди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси расмий малумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/social-protection-2>

**2-жадвал. Ўзбекистонда корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолиятига оид
кўрсаткичларнинг логорифмик қийматлари⁵**

Йиллар (T)	Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ҳажми, млрд сўмда (LN Y)	Технологик инновацияларни амалиётга жорий қилган корхоналар сони, бирликда (LN X ₁)	Маркетинг инновацияларини амалиётга жорий қилган корхоналар сони, бирликда (LN X ₂)	Ташкилий инновацияларни амалиётга жорий қилган корхоналар сони, бирликда (LN X ₃)
1	7,189243207	5,590986981	2,708050201	3,044522438
2	7,414813816	4,941642423	1,386294361	1,945910149
3	7,522400231	4,976733742	0	1,098612289
4	7,206896445	5,220355825	0,693147181	2,197224577
5	8,198611952	5,099866428	2,197224577	2,63905733
6	8,437002139	6,586171655	2,63905733	3,091042453
7	8,859789495	6,708084084	2,564949357	2,995732274
8	8,990142478	6,795705775	2,63905733	3,295836866
9	9,276895608	6,794586581	2,995732274	2,995732274
10	9,827863817	6,882437471	3,091042453	3,258096538
11	10,27061023	6,889591308	2,833213344	3,218875825
12	10,19658245	7,322510434	3,33220451	3,80666249
13	10,34633836	7,045776577	3,610917913	3,465735903

Логорифмик функция асосида Ўзбекистонда корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўзаро бир хил қийматга келтириб олингандан сўнг натижавий омил ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар ўртасида боғлиқликни баҳолаш мақсадида корреляцион-регрессион таҳлилни амалга оширидик. Амалга оширилган таҳлиллар натижаларига кўра, технологик инновацияларни амалиётга жорий қилган корхоналар сони билан инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ўртасидаги ички боғлиқлик бошқа омилларга нисбатан сезиларли даражада кучли бўлиб, корреляция коэффициенти 0,79 га тенг бўлди. Шунингдек, макетинг инновациялари омили билан натижавий омил ўртасидаги ички боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициенти 0,59 га тенг бўлган бўлса, ташкилий инновациялар бўйича ички боғлиқлик 0,55 коэффициентни қайд этди.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига асосланган ҳолда, ўрта муддатли истиқболда саноат корхоналари инновацион бошқарувини ривожлантиришнинг муқобил сценарияларини асослаш мақсадида прогноз кўрсаткичлари тегишли функциялар асосида ҳисобланди. Пронэрз кўрсаткичларини ишлаб чиқишида корреляцион-регрессион таҳлил натижаларига асосланилган ҳолда фақатгина вақт омилининг (T) ўзгариши инобатга олиниб уч хил прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

3-жадвал. Ўзбекистонда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши бўйича прогноз кўрсаткичлар⁶

	2021 й*	2022 й*	2023 й*	2024 й*	2025 й*	2026 й*
Технологик инновацияларни амалиётга жорий қилувчи корхоналари сонининг ортиши ҳисобига Y=1,3999+1,1816*X	54 007,4	57 564,1	61 120,7	64 677,4	68 234,1	71 790,8
Инновацион	56 763,7	59 378,1	61 992,4	64 606,8	67 221,2	69 835,5

⁵ Муаллиф томонидан ҳисобланган

⁶ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

маркетингни амалиётга жорий қилган корхоналар сонининг ортиши хисобига $Y=6,6985+0,8685*X$						
Ташкилий инновацияларни амалиётга жорий қилаётган корхоналар сонининг ортиши хисобига $Y=5,2735+1,2194*X$	67 258,0	70 928,3	74 598,6	78 268,9	81 939,2	85 609,5

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, инновацион маркетингни амалиётга жорий этиш бошқа йўналишдаги прогнозларга нисбатан самарадорлиги кўрсаткичи паст эканлиги аниқланди. Жумладан, технологик инновацияларни жорий қилаётган корхоналар сони билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ўртасидаги ички боғлиқлик бошқа икки омилларга нисбатан сезиларли даражада кучли бўлишига қарамай, ўрта муддатли истиқболда ташкилий инновацияларни амалиётга жорий қилиш ҳисобига инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига нисбатан паст кўрсаткични қайд этди (З-жадвалга қаранг).

Амалга оширилган корреляцион-регрессион таҳлил ва прогноз кўрсаткичлари асосида айтиш мумкинки, мамлакатимиз саноат корхоналари бошқаруви амалиётига ташкилий инновацияларни жорий қилиш инновацион маҳсулот хажмини ортишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Ваҳоланки, саноат корхоналари томонидан технологик инновацияларни амалиётта жорий этаётган корхоналар сони бошқаларга нисбатан юқори хисобланади. Ушбу ҳолат мамлакатимизда саноат корхоналари томонидан ўзлаштирилаётган технологик инновациялар глобал миқёсда маънавий эскириш босқичига яқин бўлган инновацияларни ўзлаштирилаётганлигидан далолат беради. Чунки маънавий эскириш босқичига яқин турган инновацион технологиялар қисқа муддатли даврдагина фойда келитириши мумкин бўлади. Шунингдек, инновацион маркетингни амалиётта жорий этиш бўйича кўрсаткичларнинг пастлиги корхоналарни маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, бозорлардаги инновацион маҳсулотга бўлган талабни аниқлаш, маълумотларни жамлаш ва уларни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган юқори малакали кадрларнинг етишмаслигидан далолат беради.



1-расм. Ўзбекистонда саноат тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг ўсиш суръатлари бўйича прогноз кўрсаткичлар⁷

⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган.

Шу ўринда ўрта муддатли истиқболда саноат корхоналари томонидан яратилаётган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг ўрта муддатли истиқболда ривожланиш тенденциялари бўйича прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. 2022-2026 йилларда мамлакатимиз саноат тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг ўсиш тенденцияси бўйича ишлаб чиқилган пессимистик прогноз натижаларига кўра, ушбу соҳада яратилаётган қўшилган қиймат ҳажми саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлиги оширилмаган тақдирда пасайиш тенденциясига эга бўлиши мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, инерцион сценариялар натижаларига кўра, саноат корхоналари инновацион бошқарувини ривожланишидаги мавжуд тенденциялар сақланиб қолган тақдирда 2022-2026 йилларда саноат тармоқларида яратилаётган қўшилган қиймат ҳижмининг ўсиш кўрсаткичи 108,8 фоиздан 109,4 фоизга етиши мумкин бўлади. Ишлаб чиқилган оптимиستик прогноз натижаларига кўра, 2022-2026 йилларда мамлакатимиз саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш, уларнинг инновацион фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган дастурларга устуворлик қаратилиши, жумладан инновацион лойиҳаларни саноат корхоналари томонидан амалиётга жорий этилишини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ҳисобига саноат тармоқларида яратилаётган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг йиллик ўсиш кўрсаткичини 113,0 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш мумкин бўлади (1-расмга қаранг)

Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда саноат корхоналарини инновацион ривожланиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда қатор иқтисодий, молиявий, ижтимоий муаммоларнинг мавжудлиги, шунингдек, уларни ҳал этишга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилиши узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ошириш имконини беради. шунингдек, кейинги йилларда мамлакатимизда саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда қуйидагиларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- саноат корхоналарининг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, саноат корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантиришда Республика худудларида кластерли ёндашувдан фойдаланиш (масалан, АҚШда Силикон водийси XX асрнинг 40 йилларида кластер сифатида шакллана бошлаган, ёки Хитойда автомобил саноати корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда кластерли ёндашувдан фойдаланилган⁸);
- давлат томонидан саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлаш, жумладан, саноат корхоналари инновацион фаолиятини молиялаштиришда турли дотациялар ажратиш (Япония), инновацион маҳсулотлар бўйича кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан давлат буюртмалари ва ҳаридларини (АҚШ) шакллантириш;
- давлат томонидан саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, жумладан инновацион инфратузилмани ривожлантириш;
- маҳсус саноат зоналарида инновацион саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш орқали уларга солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали хорижий инвестициялар ҳисобидан корхоналар инновацион фаолиятини ривожланишига эришиш (АҚШ);
- саноат корхоналари билан олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ўртасида илмий тадқиқот ҳамкорликларини йўлга қўйиш (саноат жиҳатдан тарақкий этган мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Франция, Япония ва ҳ.к.);
- ИТТКИ харажатларини мамлакат ЯИМҳажмидаги улушкини ошириш, жумладан, инновацион лойиҳаларни тижоратлаштиришни рағбатлантириш ва ҳ.к.;

⁸ Bergman E.M. National Industry Cluster Emplates: A Framework for Applied Regional Cluster Analysis [Text] / E.M. Bergman, E.J. Feser // Regional Studies. – 2000. - № 34 (1). – P. 1-19

Фикримизча, юқорида билдирилган таклифлик асосида мамлакатимзда саноат корхоналари инновацион фаоллик даражасини ошириш билан бир қаторда, ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга эришилади. Шунингдек, узоқ муддатли истиқболда мўлжалланган стратегик вазифа, яъни “Глобал инновацион индекс” рейтингида етакчи 50 мамлакат қаторидан ўрин эгаллашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 07.02.2017 й. <https://lex.uz/docs/3107036>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 21.09.2018 й. <https://lex.uz/ru/docs/3913188>
3. Bergman E.M. National Industry Cluster Emplates: A Framework for Applied Regional Cluster Analysis [Text] / E.M. Bergman, E.J. Feser // Regional Studies. – 2000. - № 34 (1). – Р. 1-19
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий малумотлари асосида музаллиф томонидан тузилган. <https://stat.uz>